



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 113 (13.446)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Тошкент шаҳрида 30 май куни видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда 2017 йилги Инвестиция дастурига киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз ҳудудларига ташрифлари давомида ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ишларнинг ҳолатини танқидий таҳлил қилиш ва баҳолаш масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, видеоконференция орқали Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказида ташкил этилган студияларда Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари, корхоналар раҳбарлари, тадбиркор ва инвесторлар қатнашди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Давлатимиз раҳбари инвестициялар ҳажмини изчил қўлайтириб бориш, замонавий ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, муҳим ижтимоий дастурларни амалга ошириш, энг асосийси, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашнинг ҳал қилувчи омил эканини таъкидлади.

2017 йилги Инвестиция дастурига умумий қиймати 50 миллиард АҚШ долларига тенг 545 инвестиция лойиҳаси киритилган бўлиб, йил давомида 7,3 миллиард долларлик сармояларни ўзлаштириш белгиланган.

Шунингдек, 2017 йилда умумий қиймати 2,4 миллиард долларга тенг бўлган 170 янги ишлаб чиқариш объектини ишга тушириш мўлжалланмоқда. Жорий йилнинг январь-апрель ойларида умумий қиймати 73,5 миллион долларлик 9 лойиҳани амалга ошириш ишлари якунлангани алоҳида қайд этилди.

Инвестиция дастурига кирмаган, давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри туманларига ташрифлари давомида ишлаб чиқилган, ҳудудлар миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган 19 триллион 300 миллион сўмлик мингдан зиёд йирик лойиҳалар амалга оширилаётгани, бугунги кунда уларнинг 39 таси бўйича объектлар ишга туширилгани таъкидланди.

Шу билан бирга, йиғилишда айрим тармоқлар ва ҳудудлар раҳбарларида масъулият, талабчанлик ва ташаббускорлик еттишмаётгани, бунинг оқибатида кўпгина инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда суст-кашликка йўл қўйилаётгани қаттиқ танқид қилинди. Жум-

ладан, шу йилнинг биринчи ярмида 10 лойиҳа бўйича объектларни ишга тушириш муддатлари асоссиз равишда кечиктириб юборилгани, 9 лойиҳани молиялаштириш бўйича шартномалар тузиш, 10 лойиҳа юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаш ишлари пайсалга солиб келинаётгани аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтилди. Тармоқлар раҳбарлари ва лойиҳалар ташаббускорлари олдида ана шундай муаммоларни тезлик билан ҳал қилиш, бу борадаги қоқоқлик ҳолатларини бартараф этиш қатъий вазифа қилиб қўйилди.

Давлатимиз раҳбари инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилмаслиги оқибатида замонавий объектларни ишга тушириш муддатлари кечикиши, бу эса талаб қўри бўлган маҳсулотларнинг бозорга етиб боришига, қанча-қанча одамлар, аввало, ёшларнинг иш билан таъминланишига салбий таъсир кўрсатишини таъкидлаб, бундай ҳолатларга йўл қўйган мутасадди раҳбарларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши ҳақида огоҳлантирди.

Йиғилишда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги сусткашлик сабабларидан бири энг кўпи тизимда, яъни, ташаббускор тузилмалар ва лойиҳа институтлари даражасида тегишли ҳужжатлар етарлиқ пухта ишлаб чиқилмаслиги билан боғлиқ экани қайд этилди.

Ўзқилинган ўрганиш ва таҳлиллардан аён бўлмоқдаки, айрим истикболсиз лойиҳаларни Инвестиция дастурига киритиш ҳолатлари мавжуд бўлиб, уларнинг молиялаштириш манбалари ва мақсадли стратегияси аниқ белгиланмаган, қўйлаётган натижалар бўйича зарур ҳисоб-китоблар ишлаб чиқилмаган.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари томонидан тегишли вазирлик ва идораларга икки ой муддатда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Инвестиция дастурини шакллантириш ва уни амалга ошириш, истикболли инвестиция лойиҳалари базасини яратиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш ҳақида топшириқлар берилди.

Бу борада келгуси йил учун мўлжалланган Инвести-

ция дастурига фақат пухта ишлаб чиқилган, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр ва молиялаштириш манбалари аниқ бўлган инвестиция лойиҳаларини киритишга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ҳудудлар раҳбарларининг истикболли лойиҳаларни шакллантириш сифати учун шахсий жавобгарлиги ва масъулиятини ошириш лозимлиги қайд этилди. Бу борада ҳар бир раҳбар ўз тармоғи ёки ҳудудини ривожлантириш бўйича аниқ устувор йўналишлар ва вазифаларни, келгуси йилларда қандай лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини ҳар томонлама чуқур билиши, яққол тасаввур қилиши шарт.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан янги назорат механизмининг жорий этиш бугунги кун талабига айланиб бораётган долзарб вазифа эканини таъкидлади. Ана шу механизм асосида Иқтисодиёт вазирлиги ҳар бир лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишларни мунтазам мониторинг қилиб, унинг натижалари тўғрисидаги ҳафталик ахборот ва тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориши керак, деди давлатимиз раҳбари.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар ҳафтада тегишли тармоқлар раҳбарлари билан мавжуд муаммолар ва қоқоқлик сабабларини муҳокама қилиб, уларни бартараф этиш, лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш юзасидан тегишли чоралар қўриш лозим. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси Бош прокуратура ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда ҳар ойда икки марта амалга ошириш жараёнида қандайдир муаммо пайдо бўлаётган лойиҳалар бўйича муҳокамалар ўтказиб, уларни амалий жиҳатдан ҳал этиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар, ҳокимликлар раҳбарларининг ҳисоботлари, тақлифлари эшитилди ва муҳокама қилинди, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

ЎЗА



• Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида “Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар – мамлакат тараққиётининг муҳим омил” мавзусида ёш олимлар ва истеъдодли талабаларнинг аънавий республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

• Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида “Ислом Каримов асарларида таълим-тарбия масалалари” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда ёшларда мустақил ҳаётий позицияни шакллантиришда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов асарлари муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

• Юқори Чирчиқ туманида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди Тошкент вилояти ҳудудий филиали томонидан 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан “Биргаликда кучлимиз – ҳам-жиҳатликда курашайлик” шiori остида хайрия акцияси ўтказилди.

• Орол денгизи, унинг наботот ва ҳайвонот олами билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши кўмағида Қорақалпоғистон ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими ҳамкорлигида журналистлар ва мутахассислар иштирокида медиатур ташкил этилди.



• Кеча Москва ҳамда Россиянинг марказидаги бир неча ҳудудларда кучли бўрон хуружи натижасида 15 киши ҳалок бўлди, 100 дан ортиқ одам тан жароҳати олиб касалхоналарга ётқизилди. Табиий офат кўплаб томларни учуриб кетди, мингдан ортиқ дарахлар кулаб тушди. Мамлакат гидрометеорология маркази томонидан Москвада хавфсизликнинг сариқ даражаси эълон қилинди. Бугун кечаси ҳам Россия пойтахтида бўроннинг қайталаниши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

• Кеча Испаниянинг Мадрид, Валенсия каби бир қатор йирик шаҳарларида таксичиларнинг оммавий иш ташлашлари бўлиб ўтди.

• Испаниянинг “Барселона” ва футбол бўйича Аргентина терма жамоасининг ҳужумчиси Лионель Месси 2016/17 йилги мавсум якунларига кўра 37 та гол киритгани ҳолда Европа чемпионатларининг энг сермахсул ўйинчисига топширилган “Олтин бутси” совринининг тўртинчи бор соҳиби бўлди ва бу кўрсаткичи билан “Реал” (Мадрид) ҳамда Португалия терма жамоаси ҳужумчиси Криштиану Роналдуга етиб олди.

• Ироқнинг Хит шаҳридаги мактаб ёнида амалга оширилган кўпуровчилик ҳаракати натижасида 13 киши ҳаётдан кўз юмди.

ЖАҲОН ШАҲАРСОЗЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида “Пост-нефть шаҳри. Келажакдаги шаҳар тарихи” деб номланган лойиҳалар кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкентдаги Гёте институти, Штутгартдаги Хорижий давлатлар билан алоқа институти (Германия) ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Бадий академияси бош илмий котиби Ф.Обиджонов, Тошкентдаги Гёте институти директори Г.Беккер ва бошқалар мамлакатимизда бунёдкорлик, шаҳарсозлик соҳаларидаги халқаро ҳамкорлик шаҳарларимизнинг миллий меъморчилик аънаваларига суянган ҳолда замонавий янгича қиёфасини яратишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида шаҳар ва қишлоқлар аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантириш, уй-ҳой ва ижтимоий-маиший қурилишни жадал ривожлантириш бўйи-

ча комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

– Бугун намоиш қилинаётган лойиҳаларда замонавий шаҳарсозлик тараққиёти ва у билан боғлиқ муаммолар ечими инноватга олинган, дейди ЎЗА муҳбирига Тошкент архитектура-қурилиш институти профессори Муҳаммад Аҳмедов. – Бу ҳаётий муҳим масала. Иккинчи шароити ўзгаришлари, углеводород захираларининг камайиб бориши каби долзарб масалалар ҳар жиҳатдан захира-пухта ўйланган янги лойиҳаларни яратишни талаб қилмоқда. Кўргазмага диққат билан назар солинса, тақдим қилинаётган лойиҳаларда ўтмиш таърибаларига таянганлигини кўриш мумкин. Бу намоиш биз учун таъриба алмашиш, ўрганиш ва шу соҳада изланишлар олиб боришда қўл келади.

Кўргазмада дунёнинг турли минтақаларида шаҳарсозлик йўналишида жорий қилинаётган инновацион ғоя ва лойиҳалар намуналари ҳам намоиш этилаётди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

“Ўзэкспомарказ”да агросаноат комплекси учун замонавий асбоб-ускуналар ва технологияларнинг “Uzbekistan Agrotech Expo – 2017” XII халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ҳамда қишлоқ ҳўжалиги техникаси ва машиналарининг “Uzbekistan Agromash Expo – 2017” VI халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси бошланди.



АГРАР ТАРМОҚҚА – ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ўзбекистон Ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Фермерлар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирларнинг очилишида иқтисодиётнинг барча тармоқлари, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги изчил ривожланиётгани туфайли аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эътиёжи тўлиқ таъминланиши баробарида, қайта ишловчи корхоналарга сифатли хомашё етказиб берилаётгани алоҳида таъкидланди.

“Uzbekistan Agrotech Expo – 2017” ва “Uzbekistan Agromash Expo – 2017” халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаларида Хитой, Жанубий Корея, Франция, Италия, Германия, Бельгия, Голландия, Беларусь, Россия каби ўн бешдан зиёд давлатдан эъландан ортиқ компания иштирок этмоқда. Улар намоиш этаётган маҳсулот ва хизматлар тури кенг бўлиб, ихчам линиялар, қадоклаш технологиялари, чорвачилик, паррандачилик, асаларчилик ва боғдорчилик ускуналари, чорва учун ем тайёрлаш жихозлари, усимликлар ҳимояси учун кимёвий моддалар, терини қайта ишлаш, иссиқхона ҳўжалиқларини ташкил этиш каби юзга яқин йўналишни қамраб олган.

– Ўзбекистон фермерлари билан ҳамкорлик қилишимизда бу ерда яратилган турли имтиёзлар, хусусан, божхона ва инвестициявий преференциялар кўп келмоқда, дейди Жанубий Кореянинг “Farmtek” компанияси директори ўринбосари Ким Вон Тэ. – Ўзбекистон бозорида қайси маҳсулотга талаб юқорилиги борадида маркетинг қўзғатувлар олиб бордик. Унга кўра, ойна-ванд иссиқхоналар, уларни иситиш жихозлари, озуқалар ва кон-салтинг хизматларини тақлиф қилишни маъқул кўрдик. Иссиқхоналаримизнинг баландлиги 8 метр, уларни газ, кўмир ёки электр билан иситиш ва мобил тарзда бошқариш мумкин.

Ўзбекистоннинг етмишдан зиёд компанияси ўш стэндларида қишлоқ ҳўжалиги учун минитехнологиялар ва ускуналарни иш-

лаб чиқариш борасида мамлакатимиз салоҳиятини кенг намоиш этмоқда. Мева-сабзавот ва қўқатларни қуритиш камералари, паррандачилик инкубаторлари, қадоклаш-ўраш жихозлари, чизель-культиватор, энг чекка ҳудудлардаги объектларни ҳам электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш учун мўлжалланган қуёш фотоэлектр ва шамол электр станциялари хорижлик меҳмонлар эътиборини жалб этмоқда.

– Корхонамиз хонадонлар ва дала ҳўвлиларга биогаз ускунаси ўрнатиб бериш билан шугулланади, дейди “Экоравнак” хусусий корхонаси раҳбари Алижон Темиров. – Ускуналаримиз кўмағида бир тонна товуқ қўй, чорва чиқиндисидан 120 куб газ олиш имкони бор. Бу уйни ва иссиқхонани иситишга бемалол етади. Талабга қараб турли ўлчамдаги биогаз ускуналарини ўрнатиб берамиз.

Деҳқон ва фермерларимиз бугун хомашё етиштириш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Улар хорижнинг замонавий минитехнологияларини жалб қилган ҳолда, мева-сабзавот, гўшт-сутни қайта ишлашни йўлга қўйиб, озиқ-овқат маҳсулотлари мўл бўлишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Кўргазма-савдо ҳам самарали бўлиши кутилмоқда. Италия ва Хитойда ишлаб чиқарилган мева-сабзавотни тозалайдиган ускуналар, полиз маҳсулотлари сифатини аниқлайдиган мосламалар, турли музлаткич агрегатлар, вакуумли тўлдиргичлар кўнчилида қизиқиш уйғотмоқда. Германиянинг “Agralis GmbH” компанияси стэндлари ҳам гавжум. Мамлакатимиздаги йирик чорвачилик йўналишидаги “Бахт имкон ривож чорваси”, “Юлдуз”, “Анортог наслчилик бугдойчилик”, “Янгийул чорва замин” каби фермер ҳўжалиқларида мазкур компания лойиҳалари татбиқ этилган.

(Давоми 2-бетда)

Бир мамлакат халқининг ўз миллий давлатига эга бўлиши, мустақиллик дегани, албатта. Биз халқ сифатида ўтган аср охиригга ўн йиллиги бошида ана шундай бахтга муяссар бўлдик. Шундай экан, табиийки, давлат – халқнинг энг катта бойлиги.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўтган чорак асрдан зиёроқ даврда юртимизда ҳам миллий, ҳам замонавий давлатчилик шакллари, такомиллашди. Бунда тарихий меросимизга, миллий менталитетимизга ҳам суянибди, илғор дунёнинг бой тажрибаларидан ҳам унумли фойдаланибди.

Ҳаммамиз гувоҳимизки, давлатчилигимизда янги бир давр бошланди. Агар журналистик тил билан ифодаласак, жараёнлар жадаллашиб кетди. Мамлакат тараққий этган давлатлар сафидан ўрин олиш сари тизимли интилишнинг тамоман янги босқичига кирди.

Ҳар бир давр ўз ғояларини ўртага ташлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев илгари сураётган широрлардан айримларининга келтирганимизда ҳам кун тартибига бутунлай янги масалалар қўйилаётгани ойдинлашади.

Истикболни бирга курашимиз!

Бу ерда келажакни ким билан бирга куриш кўзда тутиляпти? Халқ билан, албатта.

Шу пайтгача халқ давлатга хизмат қилиб келди, бундан буюн давлат идоралари халққа хизмат қилади!

Тўғри, ёш, мустақил бир мамлакат учун аввал миллий давлатини куриб олиш ўта зарур эди. Бизда давлат курилди. Энди у халққа хизмат қилиши керак.

Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади!

Буни тушуниб олиш унчалар қийин эмас. Шунинг ҳам асло эсдан чиқармайликки, халқ ўзини ўзи боқадиган давлатга ҳам фойда келтиради. Халқ меҳнат қилиб, ишлаб чиқариш ва хизматлар орқали топан даромадидан давлатга солиқ тўлайди. Солиқлар асосида бюджет шакллантирилади. Бюджет маблағи мамлакат ишлари учун сарфланади. Демак, халқ қанча кўп ишлаб чиқарса ва хизматлар турларини кўпайтирса, шунча кўп даромад олади. Даромад қанча кўпайса, солиқ миқдори ҳам шунга мос равишда ортиб боради. Солиқ миқдори ортиб, демак, бу, давлат бойида, дегани.

Одамлар кредит сўраб банкка бормасин, банк кредит таклиф қилиб, одамларнинг олдига борсин!

Яшириб нима қилдик, шу пайтгача банкдан кредит олиш борасида сохта етишмовчилик пайдо қилиш каби иллатлар ҳам учраб турган эди. Тадбиркор ўзи қарз олпти, шунинг учун ҳам яна кимларнидир “рози” қилишга мажбур эди. Нима учун кредит олинади? Бирор-бир тадбиркорликни бошлаш учун. Тадбиркорлик нима келтиради? Фойда. Кимга? Аввало, тадбиркорга, кейин давлатга. Ҳўш, ҳар қандай ишлаб чиқариш ёки хизмат амалда кимга қаратилган бўлади? Халқнинг бирламчи эҳтиёжига. Шундай экан, банклар қанча кўп кредит берса, давлатга ҳам, жамиятга ҳам шунча яхши. Кредит олиб кетди, ишлаб чиқариш ёки хизмат тури ёнга қолади. Тадбиркор уни яна ва яна кенгайтириш пайдидан бўлаверади. Шу тариқа тараққиёт юз беради.

Одамларни рози қилиш керак! Бунинг учун нима қилиш керак? Одамлар айна кимдан рози бўлиши лозим? Давлатдан-да, албатта. Фуқаролар рози бўлиши учун давлат идоралари халққа қайишиши зарур.

Давлат идораларининг халққа қайишишини ҳар ким ҳар хил тушуниши ёки талқин этиши мумкин. Аммо биз бугун ўшбу ғояни давлатимиз раҳбари томонидан тушунтирилаётган тарзда англашимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўплаб янги фармон, қарор ёки фармойиши қабул қилинапти. Ҳар бир фармон, қарор ёки фармойиш амалда ҳаётнинг муайян жабҳасини ўзгартиришга, ислох қилишга, фаолият турини такомиллаштиришга, янгилашга, замон талабларига мослаштиришга қаратилган.

Бундай қонуности ҳужжатларни қабул қилиш – масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони

эса – уларни ҳаётга татбиқ этиш, яъни белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишдан иборат.

Ҳўш, буни ким амалга оширади?

Биринчи навбатда, давлат идоралари. Бунга жамоат ташкилотлари ва халқ ёрдам беради. Ўз-ўзидан англашиб турибдики, ўртага қўйилаётган катта-катта вазифалар давлат ва халқнинг ҳамжиҳатлиги, ўзаро мустаҳкам бирлигини таъминлашни тақозо этади.

Бундай давлат ва халқ ҳаётида кескин бурилиш ясагач қаратилган стратегик вазифалар **биринчи галда раҳбарлар масъулиятини оширади.**

Албатта, бундай нозик мавзунини ёритиш анча мушкул ва мулоҳазали иш.

Биобарин, замон раҳбар маънавиятини юксалтириш масаласини кун тартибига қўйяпти.

Давлат идораларида каттадир-кичикдир муайян раҳбарлик лавозимида ўтирган шахс биринчи галда давлат сиёсатини амалга оширишга масъулиятини биламиз. Ҳали ҳам жамиятимизда лавозимни бевосита ўз мавқеини мустаҳкамлаб олишнинг воситаси бўлиб юрганлар топилса, ажаб эмас.

Бугуннинг гапи

РАҲБАР МАЪНАВИЯТИ ВА ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ МОҲИЯТИ

Аслида раҳбар ходимлар – мамлакат халқининг ижтимоий ва маънавий мавқеини кўтаришга масъулдир. Раҳбарликка фақат ўз идораси, соҳаси, тизими, яъни қўл остидаги ларгагина бошчилик қилиш деб қараётганлар ҳам кам эмас. **Бугун ҳаёт бу тор тушунчадан ҳам тасоман воз кечишни тақозо этмокда.**

Биз турли идораларда ишловчиларнинг ўз хизмат вазифаларини назарда тутаяётганимиз йўқ. Балки уларнинг жамият манфаатлари йўлида жамоатчилик билан ҳамкорликка баҳоли-қудрат ҳисса қўишлари, ўз ҳудудларида бирон-бир фойдали иш билан шуғулланишлари лозимлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Зеро, бу Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилига ҳам ҳамоҳангдир.

Ҳар бир ташкилотда турли лавозимларда ишлаётган киши қаерда яшайди? Бирор-бир маҳаллада. Маҳаллада аҳоли истиқомат қилади? Албатта. Бу одамларнинг қанчадан-қанча муаммоси борми? Бор. Уларни ким ҳал қилади? Тегишли идоралар. Фақат бугина эмас. Бугун бу эскича қараш билан олдинга одимлашимиз қийин кечади. Давлат идораларида мансаб вазифаларида ишлаётганлар уйига фақат дам олиш учунгина келиб кетмасин, аксинча маҳалласига, кўни-кўшнисига баҳоли қудрат кўмаклашсин. Бу ерда гап вазирлик, ташкилот, бошқарма, банк, таълим, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа турли соҳаларда ишлаётган мутасаддилар ҳақида кетяпти. Ахир, улар кўп-кўп имкониятларга, ахборотга, тушунчага эга. Халқ тили билан айтганда, кўлини узатса, анча жойларга етади. Кези келганда узатсин шу кўлини.

...Алишер Навоий Хусайн Бойқаро салтанатининг юқори мартабали раҳбарларидан бири эди. У шатранж (шоҳмат) уйнаб ўтирганида олдига Атоуллоҳ Хусайний деган адабиётшунос олим келиб, дардини айтади. У ўзи ишлайдиган мадрасадан узок бир ерда турар экан. Мадрасага яқин ердан бир ҳовли топиб, савдолашибди. Бироқ пойтахт Хирот шаҳрининг боёнларидан бири ҳовлига қимматроқ нарх белгилаб, савдони бузиш ҳаракатида экан. “Мулозимларингиз бу масалага аралашса, уй эгаси ўша келишилган нархда ҳовлисини менга сотса”, – деб илтимос қилади. Аммо Навоий бу гапни эшитгани-ю, шатранж ўйинини давом эттираве-

ради. Бу ҳолатдан хижолат чеккан олим: “Ғалим ҳазратга ёқмади”, – деб ўйлаб, ич-этини ея бошлади. Бироқ ўйин тугаганидан кейин улуг мутафаккир: “Тақсир, сизга ўша уйни келишганингиз нархда сотиб олганингиз маъқулми ёки шу мадраса яқинидан таппа-тайёр бир ҳовлини сизга текин берилганими?” – деб сўрайди. Шу тариқа мулк сифатида ўзига тегишли бўлган бир ҳовлини олимга тортиқ қилади. Атоуллоҳ Хусайний бу имкониятдан илм манфаати йўлида фойдаланиб, ҳозиргача ҳам аҳамиятини асло йўқотмаган китоблар битиб, ўзидан бой маънавий мерос қолдиради.

Ғиёсиддин Хондамирнинг ёзишича, Навоий ўз маблаглари ҳисобидан “Ихлосия”, “Шифоия”, “Низомия”, “Хусравия” мадрасалари, “Халосия”, “Жамоатхона”, “Зиёратгоҳ” хонақоҳлари, Шайх Фаридуддин Аттор қабри бошидаги хонақоҳ, “Фаноия”, “Ҳавзи моҳиён” (“Балиқлар ҳовузи”) иморатлари, Имом Ризо қабри ёнида мусофирхона, Абдурахмон Жомий, муҳаррад пир Хожа Абдулвалид Аҳмад, Амир Абдулвоҳид ибн Муслим, Хожа Юсуф Ҳамадоний, Имом Ризо қабрлари узра мақбара, 52 работ, 16 кўприк, 9 ҳаммом қурдирган, 19 ҳовуз қаздирган.

У уйда ҳам одамларни қабул қилаверган. Кўп бева-бечора, дарвеш кимсаларга ёрдам қўлини чўзган. Шунинг учун “Ҳамса”сида: “Йўқ эди бош қошига ли фурсатим”, – деб ёзади.

Бугун, каттадир-кичикдир, ҳар бир раҳбар амалда эл-юрт қорига яраши керак. **Давлатимиз раҳбари халқни рози қилиш учун минтақа-минтақа, вилоят-вилоят-**

Айтайлик, раҳбар хизмат машинасида ишга кетяпти. Дарс пайти мактаб ёки коллеж ўқувчилари кўчада тўда бўлиб туришибди. У дарҳол бунинг сабабини суриштириши мумкинми? Мумкин. Ўша таълим масканига кириб, масалани жиддий тарзда қўйиши мумкинми? Мумкин. Лекин афсуски, кўпчилигимиз: “Сен менга тегма, мен сенга тегмайман” ёки “Менга нима?” – деган тасаввур билан яшаймиз.

Ҳамма нарса – ниятга боғлиқ. Муқаддас динимиз шундай тарбия беради. Халқда: “Мен дил қилсам, оламни гул қиламан”, – деган гўзал нақл ҳам бор. Агар ҳар қандай давлат ташкилотидида ишловчи ходим ўзи яшаб турган ҳудуд муаммоларини ҳал этишга дилдан ёндошса кўмаклашишининг минг турини топади.

Жамиятимизда ҳомийлик деган эзгу жиҳат ҳам бор. Фисабиллоҳ ёрдам кўрсатишининг расмий номи бу. Қонунларимизда ҳомийлик кўрсатишнинг кўпдан кўп турларига раво йўл очиб берилган.

Шундай мансабдорлар борки, маҳалладошлари уни яхши билишмайди. Маҳаллада истиқомат қилаётган раҳбар ходимларнинг айримлари ҳатто, ўзларининг уйи тегишли бўлган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, фуқаролар йиғини раисини ҳам танимас экан.

Бу борада айрим мулоҳазаларимизни билдириш жоиздир.

Бир донишманддан сўрашибди:

— **Айтингчи, мансаб нимаю, мартаба нима?**

У шундай жавоб берган экан:

— **Мансаб берилди ва олинади. Мартаба эса бир умрга қолади.**

Яъни, мартаба кишининг халққа қилган хизмати, одамларга яхшилиги билан белгиланади.

Ҳаммамиз турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб халқ олдида обрў-эътиборга эга бўлган кўплаб одамларни биламиз.

Улар мансабларидан кетганларида ҳам мартабалари бир умрга қолади. Лекин шундай оёғи ердан узилиб қолганлар ҳам борки, бундайларга маҳалла-қўйда ҳатто салом ҳам беришмайди. Улар лавозимларини ўзларига умрбод берилган дея ўйлаб, ён-атрофдагиларни менсимай, ўз мавқеларига ўзлари болта урадилар. Ваҳоланки, турли идораларда ишловчи мутасаддилар қўлидан келганича маҳалла-қўйга ёрдамчини аямаса, унуттишмайди, фақат яхши ном билан эслашади.

Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, оқсоқоллар, фаоллар шу ерда яшовчи раҳбарлар, тадбиркорлар билан ҳамжиҳатликда ишласаларгина кўпгина муаммолар ўз жойида ечимини топади.

Ушбу фикрлар билан биз ҳеч кимга ақл ўргатмоқчи эмасмиз. Балки бу ҳаётий ҳақиқатдир. Давлат билан халқ ҳамкорлиги энгил бўлмас куч ҳисобланади. Мамлакатимиз ва халқимиз олдида турган олий мақсадларга эришиш учун ана шундай кучга эга бўлишимиз керак.

Яқинда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар конференциясида иштирокчиларнинг пойтахт аҳолисига муносабатидида ҳам ўз ҳудудда истиқомат қилаётган айрим мансабдор шахсларнинг лоқайдлиги хусусида таъкидлаб ўтилди.

Бизда бефарқлик раҳбарларга ёт хусусият бўлиши керак.

Албатта мутасаддилар ўз маҳалласига қайишиш йўлида ноқонуний хатти-ҳаракатни амалга оширсин, демокчи эмасмиз. Асло. Қонуний иш тутсинлар.

Биргаликда савобли иш қилиш йўллариини излайлик, топайлик. Токи одамларнинг давлатдан розилигига эришайлик.


Маҳалламизда давлат идораларида ишлайдиган одамлар борми, биз уларни, улар бизни танийдимиз? Ундай бўлса шундайларнинг маҳалла-қўйга ёрдами тегаяптими? деган саволни ўзимизга бериб, барчамиз биргаликда эзгу ишларга бош қўшайлик.

Зеро, раҳбар маънавияти ва одамларни рози қилиш моҳияти ана шунда.

Муқаддас динимизда айтилган гап – ҳақ гап: халқни рози қилмай туриб Ҳақни рози қилиб бўлмайди.

Шундай эмасми, азизлар!

Олим МАХМУДОВ



ЯХШИЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК ҲАҚИДА

Ҳалоллик ҳар қандай мартабани бе-зайди.

Яхши деган ном буюк иморатлардан ҳам баландроқдир.

Ҳалол одамни таъкиб этиш мумкин, лекин уни бадном қилиб бўлмайди.

Қанча-қанча одамлар дунёда йўқлик сари кетишди, катта-катта бинолар қуриб, айвонига номларини битиб қўйишди, уларнинг натижа тупроққа айланди, аммо яхши деган номи ҳамон ўлмай яшамоқда.

Ҳалол одам бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайди.

Шайх Саъдий айтади:

Тўғри йўлда юрган одам номусли, матонатли, берган ваъдасида қаттиқ турувчи бўлади, ҳеч кимни алдамайди, тўғрилиқдан ажралмайди, тўғрилиқнинг энг улуг фазилат эканини биллади.

Яхшилик иморати нуқсонлардан холи бўлиб, тирикликнинг офтоби уларни доимо химоя қилиб туради.

Дунёда ҳалол одамдан буюкроқ зот йўқ.

Ҳалол яшаганингни сезиб юрсанг, ҳаёт нашъали ва ширин туюлади.

Сен Яхши деган номдан иморат тиклашга урин, то одамлар бу иморат деворига номингни Яхши деб ёзиб қўйишсин.

Бир умрга бахтли бўлишни истасанг, ҳалол одам бўл.

Дунёда энг яхши иш — холис ва пок ният билан қилинган ишдир.

Сукрот Ҳаким айтади:

— Ҳалол меҳнат, муҳтожларга ёрдам, ғазаб вақтида ёмон сўзлардан тилни, бировни ранжитишдан қўлни тийиш, камчиликни битириб, ёмон хулқ-атворни тузатиб, гўзал ахлоқ эгаси бўлиш — энг зўр фазилатдир.

Яхшилик — қалбда яшайди, ёмонлик — ўжар бошдан жой излайди.

Ҳамма одамлар аслида бир хил, дунёга келишлари ҳам бир хил. Фақат табиятан ҳалол одамнинггина номи баланд.

Алишер Навоий айтади:

— Яхшилик қила олмасанг, ёмонлик ҳам қилма. Яхшиликни ёмонлигидин яхшироқ билмасанг, ёмонроқ ҳам бўлма, яхшиликни билсанг, яхшиларга қўшил, яхшилик теграсида эврила олмасанг, яхшилар теграсида эврил.

Абу Али ибн Сино айтади:

— Тўғри йўлдан ажралмаслик, инсофли, адолатли, ҳалол бўлиш, нафсининг ҳар орзусини бажо келтирмаслик, олим, фозиллар билан суҳбатдош бўлишлик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат этиш, самимий дўстларнинг маслаҳатлари билан ишга тутиниш, муҳтожларга ёрдам этиш эзгулик маъдани, ҳалоллик белгисидир.

Байт:
Кимнинг яхши номи қолса ёдгор, Арзир бу дунёдан кетса бахтиёр.



ПОЙТАХТ ЖАМОАСИ ҒОЛИБ

Кунни кеча Жиззах шахрида бўлиб ўтган "Баркамол авлод – 2017" ўйинларида муваффақиятли иштирок этган спортчиларимиз пойтахтимизга қайтиб келиши. Тошкент вокзалида мусобақа ғолиблари, совриндорлари ва иштирокчилари тантанали кутиб олинди.

Шу муносабат билан уларни кутиб олиш учун Тошкент вокзалига давлат ва жамоатчилик вакиллари, спортчилар ҳамда уларнинг ота-оналари ва яқинлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари йиғилишди.

Тантанали маросимда сўзга чиққан, Тошкент шахар ҳокимининг ўринбосари Нозим Хусанов ва бошқалар мусобақа иштирокчиларини муборакбод этиб, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ёш авлодининг жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб ўлганини, спорт билан мунтазам шугулланишлари, ўз истеъдод ва салоҳиятини намоён этишлари учун яратилган кенг шароитлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Мен учун "Баркамол авлод —

2017" мусобақалари бир умрга ёдимда муҳрланиб қоладиган бўлди. Чунки, мусобақаларнинг сузиш йўналиши бўйича 2 та олтин ва 1 та бронза медалини олишга муваффақ бўлдим. Бу эса ўз навбатида, келажакда менинг ўқишларимда ва спорт билан шугулланишимда яхши турки бўлади, — дейди Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси Нигора Мирзохидова.

— Мусобақа нафақат мен учун, балки бутун жамоамиз учун омадли бўлди. Мен мазкур спорт тадбирида 4 та олтин медалга сазовор бўлдим. Ҳозир қувончим ичимга сиймапти. Чунки, биз ёшларга катта ишонч билдираётган барча устоз ва мураббийларга ўз миннатдорчилигини изҳор этаман, — дейди Чилонзор пе-

дагогика коллежи ўқувчиси Алексей Тарасенко.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Баркамол авлод – 2017" мусобақаларида пойтахтимиз шафратини муносиб ҳимоя қилган Шаҳбоз Едгоров, Нодир Раҳимов, Севара Усмонов, Муҳаммадқодир Юсупов, Розалина Ходжаева, Нурхон Холмуродов, Анна Шиманис, Омон Омонов, Виолетта Иванова, Асилбек Тўрақулов, Элдор Абдурахмонов ва Мирсад Нуроллаев сингари ёшларимиз энг кўп медаллар соҳиби бўлишди.

Тантанали маросим якунида мусобақа ғолиб ва совриндорлари ҳамда катнашчиларига совғалар ва анвойи гуллар тақдим этилди.

(Ўз мухбиримиз)
К. Улмасов олган сурат

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР МУЗЕЙИДА КОНЦЕРТ ВА КЎРГАЗМА

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунни муносабати билан юртимизнинг барча ҳудудларида тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари давлат музейида ҳам ҳарбий хизматчилар фарзандлари учун концерт ва кўргазма ташкил этилди.

Концертда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари қатори Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат марказининг "Чашма" рақс-спорт клуби ўқувчилари, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳам иштирок этди.

Қуроли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси Нурбек Авлиқулов италия тилида ижро этган ашула, спорт рақслари бўйича Ўзбекистон чемпионати, "Юлдузли экспресс" турнири ғолиблари Алексей Слотецкий ва Светлана Денисович ижросидаги жўшқин рақс болаларда катта таассурот қолдирди.

— Биз ўз хизмат бурчини бажаришда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар фарзандларига алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қилдик, — дейди музей директори Мусалим Нуридинов. — Бу мамлакатимизда ҳеч ким ва ҳеч нарса унутмаслиги, қаҳрамонлар халқимиз қалбида абадий яшашининг ана бир тасдиғидир.

— Ёшлар концертида ўзгача масъулият билан тайёргарлик кўрди, — дейди "Чашма" клуби раҳбари Минигул Ҳабибулина. — Болалар ўзбек миллий рақслари қатори дунёнинг турли халқлари рақсларини ҳам ижро этгани олқишга сазовор бўлди.

Концертдан сўнг музей жамоаси Ўзбекистон давлат табиат музейи билан ҳамкорликда энг қизиқarli экзопонат ва фотосуратлар кўргазмасини ташкил қилди.

— Фарзандларимизнинг Ўзбекистон жонли табиатини ўрганишга интилиши қувонарлидир, — дейди давлат табиат музейи ходими Сарвар Абдуллаев. — Бугунги учрашув болаларда катта таассурот қолдирди, деб ўйламан. Зеро, Ватанга муҳаббат, аввало, жонахон табиатга муҳаббатдан бошланади.

А.КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири

ҲАР ПАЙШАНБА — "ПРОФИЛАКТИКА КУНИ"

Президентимиз томонидан жорий йил 9 февраль кунни ички ишлар органлари фаолияти, мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор ўтказилди. Мазкур видеоселекторда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ҳафтанинг пайшанба кунини жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кунни, деб эълон қилиш таклиф этилган эди.

Президентимиз томонидан соҳадаги камчиликлар, айниқса, ўғирлик ҳимла фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларнинг ҳар бештадан биттаси фош қилинмай қолаётгани, ёшлар ва аёллар жиноятчилиги қамаймаётгани, 2016 йилда академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг миндан зиёди жиноятга қўл урган, умумий жиноятларнинг олтидан биттасини хотин-қизлар содир этгани, тергов идоралари томонидан жиноят ишлари юзасидан қўсқа мударатда қўнуний қарорлар қабул қилиш имконияти мавжуд бўлса-да, қўшимча суриштирув ва тергов ҳаракатлари талаб этилмайдиган материаллар бўйича асоссиз равишда мuddатни узайтириш ҳамда бошқа қатор камчиликлар мавжудлиги таъкид қилинган.

Шунингдек, Президентимиз хориждаги фуқароларимизнинг аксарияти ишлар мақсадида юртимиздан кетгани, лекин уларнинг айримлари турли диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолаётгани таъкид қилинган эканлини қайд этди. Чет элга иш қидириб кетган фуқароларни аниқ-

лаш ва қайтариш, маҳалла раислари, маънавият-маърифат марказлари, имом-хатиблар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ҳамкорликда аҳоли орасида диний экстремизмнинг салбий оқибатларини тарғиб қилиш борасидаги ишлар замон талаби даражасида эмаслигини таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда яна жиноятларни фош этишда тергов ва айблов билан чеklangмай, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг шарт-шароити ва омилини ўрганиш, профилактика мақсадида ҳар бир жиноят тафсилотлари ички ишлар органлари раҳбарлари, профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари иштирокида чўқур таҳлил қилиш зарурилиги таъкидланди.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишларни қўйиштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги соҳавий хизматлари ва ҳудудий ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар режаси ишлаб чиқилди. Унга қўра, ҳар пайшанба —

профилактика кунни, деб эълон қилиниш муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ҳудудларда содир этилган жиноятлар, уларнинг сабаблари ҳамда олдини олиш бўйича тадбирлар профилактикаси юзасидан учрашувлар ўтказилмоқда. Уларда ички ишлар органлари ходимлари томонидан прокурорлар, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари билан ҳамкорликда жойларда содир бўлган жиноятларнинг сабаб ҳамда оқибатлари атрофида муҳома қилинмоқда. Жўмладан, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да ҳар бир фуқаро билан ҳамнафас бўлиб, уларнинг дардини тинглас, муаммоларини бартараф этишга астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Азиз ХАБИБУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар
вазирлиги ҳузуридаги
Тергов департаменти катта
терговчиси

Судланувчи Л. Гапуров суд мажлисида, айбига тўлиқ иқдор бўлиб, дастлабки тергов даврида берган қўрсатмаларини тасдиқлади. У "Замира" исми аёл билан учрашиб, унга у билан ишламоқчи эканлигини айтганини, "Замира" ўзининг гуруҳга ўчи қабул қилиб, унга ўшбу банк виза карта олиб бериш учун пул эвазига келадиган фуқароларни тоғиб беришни зиммасига қўяйди.

Л. Гапуровнинг айтишича, Тоир Ибрагимов "Ортек"нинг "Жигули" автомашинасида сўм пул маблағларини тайёрлаб қўйиб, бир кунда 3-4 та виза картани банкдан чиқаришга эришарди. Салим Алижановнинг вазифаси эса "дубрин" қилиш, яъни автомашина ююнасидидаги пулларни қўриқлаш, фуқарога берилган пулни фуқаро банкка олиб кириб кетишини қўзатиб, назорат қилиб туриш, фуқаролар томонидан уларга пакетда берилган пулни олиб қўчиб кетмаслигини назорат қилиш кирарди. Шу иши учун Т. Ибрагимов унга ҳар кун 50 минг сўмдан хизмат ҳақи берган.

Т. Ибрагимов раҳбарлигидаги уюшган гуруҳ 123 фуқарога жами 246 минг АҚШ долларини қўнунга хилоф равишда ўтказиш, қора бозорда нақдлаштириш жиноятини содир этишган. Тоир Ибрагимов, Салим Алижанов, Жамшид Юлдашевларга жиноят ишлари бўйича Мировбод туман судининг 2017 йил 8 февралдаги ҳукми билан қўнуний жазо тайинланган бўлса, Лутфулла Гапуровга 2017 йилнинг 7 апрель кунини жиноят ишлари бўйича Мировбод тумани суди томонидан тегишли жазо тайинланди.

Эсосиз ўшлик, навқиронлик, дейди юқоридagi ҳукмини ўқиган киши. Ахир ҳаёт инсонга факат бир марта берилади. Уни қандай ўтказиш эса одамнинг ўзига боғлиқ. Шундай экан, ёшларга, ўғил-қизларимизга турли тарбия берайлик, соғлом фикрлашни ўргатайлик, токи ўлганда, фарзандимиз қилмишидан юзимиш шувёт бўлмасин.

Алишер КАРИМОВ,
Мировбод тумани
прокурори ўринбосари

Сўраган эдингиз

КАФИЛЛИК ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 292-моддасида кафиллик шартномаси тушунчаси берилган бўлиб, унга мувофиқ кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади. Кафиллик шартномаси келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкин.

Бугунги кунда банк кредитлари бўйича кафиллик шартномаларини расмийлаштириш юзасидан фуқаро ва юридик шахслар томонидан нотариал идораларга қўйлаб мурожаат қилинмоқда. Кафиллик шартномасини нотариал расмийлаштириш учун банкнинг Устави, банк филиалнинг Низоми ҳамда банк фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг банк томонидан тасдиқланган нусхаси, шунингдек, кафиллик шартномасини имзоловчи банк ходими номига ишончнома, кредит шартномаси тақдим этилади. Нотариал ҳаракат кредит олувчи ва кафил томонлар иштирокида расмийлаштирилиб, уларнинг шахсини тасдиқловчи (паспорт...) ҳужжатлар бўлиши шарт.

Кодекснинг 293-моддасида кафилнинг жавобгарлиги қўйлагина белгиланган: қардор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қардор кредитори олдидан жавоб берадилар.

Башарти, кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитори олдида қардор билан баравар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан фоидалар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чикимларини ва қардор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги тўғрисида қардор қўнунга бошқа зарарлари тўлайди.

Агар кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, биргалашиб кафил бўлган шахслар кредитори олдида солидар жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 298-моддасида кафилликнинг бекор бўлиши ҳолатлари қайд қилинган. Унга асосан кафиллик билан таъминланган мажбурият бекор бўлган, шунингдек, ўшбу мажбурият кафилнинг розилигисиз жавобгарлигини оширишга ёки унинг учун бошқа ноқулай оқибатларга олиб келадиган таразда ўзгартирилган тақдирда кафиллик бекор бўлади.

Ўз навбатида, кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилганда, агар кафил янги қардор учун жавобгар бўлиш ҳақида кредиторга розилик берган бўлмаса, шунингдек, кафил таъминланган мажбуриятни бажариш мuddати келганида кредитори қардор ёки кафил таклиф қилган тегишли ижронини қабул қилишдан бош тортса, кафиллик бекор бўлади.

Шартномада қўрсатилган кафиллик мuddати ўтганидан кейин кафиллик бекор бўлади. Агар бундай мuddат белгиланган бўлмаса, кредитори кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажариш мuddати келган кундан бошлаб бир йил давомида кафилга даъво қўзғатаман тақдирда кафиллик бекор бўлади. Агар асосий мажбуриятни бажариш мuddати қўрсатилган ва белгиланиши мумкин бўлмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланган бўлса, кредитори кафиллик шартномаси тузилган кундан бошлаб бир йил мобайнида кафилга нисбатан даъво қўзғатаман тақдирда кафиллик бекор бўлади.

Д. АБДУЛЛАЕВА,
Учтепа тумани
1-сон нотариал идораси нотариуси

"101"

ҲУШЁРЛИК ЙЎҚОЛМАСИН!

Халқимизда "Олов дўст, олов душман", деган ибора бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, инсонларга қувонч, иссиқлик бахш этувчи оловдан тўғри фойдаланилса, у беминнат хизмат қилади, агар озгина тизгиндан чиқса ёки нотўғри фойдаланилганда ғам-ташвиш олиб келади, қушфатларга сабабчи бўлади.

Кимларнингдир бепарволиги, эътиборсизлиги сабабли содир бўлган ёнғинлар натижасида шахримиздаги қорхона, ташкилотлар, ҳусусий хонадонлар катта зарар кўраётгани сир эмас. Чунки баъзи бир қорхоналарда, маъмурий бинолар, ўқув масканлари, давлолаш муассасалари, айниқса, турар жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминламаслиги, ёнғин назорати ходимларининг қўрсатмаларини вақтида бажармаслиқ, оғоҳлантирилганга бепарво қараш, катталарнинг локайдлиги натижасида ёнғинлар содир бўлапти. Унутмангки, ҳар бир ёнғин бу йўқотиларди. Мисқоллаб йиғилган мол-мулкимиз санокли дақиқаларда ёниб қол бўлади.

Шундай ҳолларга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнғин хавфсизлиги қоридларига риоя қилишлари, аланга чиқиши эҳтимоли бўлган нарсаларни доимо эътиборда тутишлари керак.

Улугбек РАЗЗОКОВ,
13-ХЕХ алоҳида пост
смена бошлиғи, капитан



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 1 июнь кунини ҳаво ўзариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, кунузи — 30-

32 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига қўра, 1 июнь Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмайди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 535

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9488 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Баш мухаррир Акмал АҚРОМОВ